

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

Кимё-технология факултети

**“Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари технологияси”
кафедраси**

“Ҳимояга руҳсат этилди”

Факултет декани, доц.

_____ О.Эргашев

“ ” _____ 2014 йил

5620500 – Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш,
сақлаш ва уларни дастлабки қайта ишлаш технологияси
таълим йўналиши битирувчиси

СОТВОЛДИЕВ ХУСНИДДИН ИНОМЖОНОВИЧНИНГ

**“ҚОВУН МЕВАСИНИ ҚАЙТА ИШЛАШ (ҚОҚИ ТАЙЁРЛАШ)
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ”
мавзусидаги**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Битирувчи: _____ **Х.Сотволдиев**

Илмий раҳбар: _____ **Х.Болтабоев**

Кафедра мудири: _____ **А.С.Мирзаев**

Наманган-2014

МУНДАРИЖА:

КИРИШ.....	3
1. ҚОВУНЧИЛИКНИНГ ТАРИХИ ВА ҲОЗИРГИ АҲВОЛИ.....	8
2. ҚОВУННИНГ БИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ЕТИШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ.....	13
2.1. Қовуннинг биологик хусуситлари.....	13
2.2. Қовун етиштириш ва ҳосилни йиғиш технологияси.....	16
3. ТАДҚИҚОТНИ БАЖАРИШ ШАРОИТИ УСЛУБИ.....	22
3.1. Тадқиқот ўтказилган ҳудуднинг қисқача тавсифи ва иқлим шароити.....	22
3.2. Тадқиқотни мақсади, вазифалари ва объектлари.....	24
3.3. Тадқиқотда ўрганилган навларнинг қисқача таърифи.....	25
3.4. Тадқиқот услуги.....	29
4. ҚОВУН ҚОҚИ ОЛИШ УСУЛЛАРИ ТЕХНОЛОГИК ЖАРАЁНЛАРИ.....	34
4.1. Қовун сифатига қўйиладиган асосий талаблар.....	34
4.2. Хом ашёдан тайёр маҳсулот чиқиши.....	38
4.3. Тайёрланган маҳсулотларни дегустацион баҳоси.....	42
5. ТАДҚИҚОТНИНГНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИ.....	45
6. МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ.....	48
ҲУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.....	55
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ.....	57
ИЛОВЛАР.....	59

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Ҳозирги қишлоқ хўжалигида ўтказилаётган изчил иқтисодий ислохатлар аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини тўлароқ қондириши ва шу билан бир пайитда бугунги куннинг энг катта муоммоларидан бири бўлган озиқ овқат ҳавфсизлигини олдини олиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Сўнги йилларда мева ва сабзавотларни етиштириш уларни сақлаш ва ўз вақтида қайта ишлаш мақсадида бир қатор қонунлар ва фармойишлар қабул қилинмоқда.

Республикамиз Президенти И.А. Каримовнинг 2011 йилнинг 21 январ куни Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаларида биз бугун чорвачилик, ғаллачилик, мева ва сабзавотчилик каби соҳаларда илғор мамлакатлар тажрибасини ўрганиш ва уни амалда қўллашга, бизнинг иқлим шароитимизда ғоят муҳим аҳамият касб этадиган замонвий суғориш тизимлари ва энергияни тежайдиган технологиялардан фойдаланишга етарлича эътибор берамаётганлигимизни айтиб, “2011-2015 йилларда Ўзбекистон саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида” ги дастур тасдиқланганлиги ҳақида тўхталиб ўтдилар.

Шу билан бир қаторда қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жихозлаш, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини жадал янгилаш биз учун энг муҳим устивор вазифа сифатида изчил давом эттирилиши таъкидланди.

Ҳозирги қишлоқ хўжалигида ўтказилаётган изчил иқтисодий ислохатлар аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини тўлароқ қондириши ва бу соҳадаги таъминотни тубдан яхшилаб жаҳон андозаларига тенглаштириш энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш миқдори ортиб борган сари уларни сақлаш ва қайта ишлаш ҳам тўғри йўлга қўйилиши керак, бунинг учун эса янги замонавий омборхоналар ва қайта ишлаш корхоналари

бунёд этилиши, қолаверса, бу борадаги фан-техника ва илғор технологияларни тадбиқ этиш, хориж тажриба ютуқларини ўрганиб ишлаб чиқаришга кенг жорий этилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Юқорида айтиб ўтилганидек, мамлакатимизда етиштирилаётган сархил мева, сабзавот ва полиз маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш бугунги кунда аҳолини шу маҳсулотларга бўлган йиллик талабини қондириш билан бирга ишлаб чиқарувчилар учун катта иқтисодий манбаа ҳисобланади. Ҳозирда юртимизда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи кўплаб корхоналар фаолият юритмоқда. Улар асосан меваларни турли усулларда қайта ишламоқдалар. Сабзавот маҳсулотларини мавсумдан ташқари даврда турли омборларда сақланаётган бўлса, полиз маҳсулотлари саноат эътиборидан четда қолмоқда. Аслида полиз маҳсулотларини, хусусан қовунни ҳам ҳудди мевалар каби кўп миқдорда қайта ишлаш имконияти мавжуд.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистонда ҳозирги даврда қовуннинг 160 дан ортиқ маданий навлари тарқалган бўлиб, улар пишиб етилиш муддати, ҳосилдорлиги, таъми, меваларининг сақланиш муддати бўйича ўзаро фарқланади ва уларнинг кўпчилик қисми жаҳонда шухрат қозонган.

Ҳозирги даврда қовуннинг 36 нави давлат Реестрига бўлиб, шундан: 9 таси эртапишар, 15 таси ўртапишар, 12 таси кечпишар навлардир. Давлат Реестрига киритилган навларнинг саккизтаси маҳаллий навларга мансубдир. Давлат Реестрига киритилган кўпчилик қовун навлари бир неча ўн йилликлар мобайнида етиштирилиб келинмоқда.

Улуғ аллома олим-табиблар Искари Олим (милоддан аввал IV аср) ва Абу Али ибн Сино (милодий X аср) асарларида қовунни кўпгина касалликларни даволашда ишлатилганлиги келтирилади. Қовуннинг доривор хусусиятларини замонавий тиббиёт илми томонидан ҳам тасдиқлаган. Уни истеъмол қилиш кўплаб физиологик жараёнларни бошқаришга ёрдам беради.

У буйрак, меъда, жигар касалликларида ҳамда атеросклероз, бронхит, сил, бод хасталикларида ва камқонликда доривор восита сифатида фойдаланилади. қовун уруғи дамламалари йўтал, тери ва тош касалликларини даволашда ишлатилади.

Ўзбекистон республикаси Марказий Осиёнинг энг йирик полизчилик минтақасидир. Бу ерда ҳар йили 35-40 минг гектардан ортиқ ер майдони полиз экинларига ажратилади ва ялпи ҳосил 450-500 минг тоннани ташкил этади, шундан қорақалпоғистонда полиз экинлари 5,5 минг гектар майдонга екилиб, 39 минг т. миқдорида ялпи ҳосил олинмоқда.

Тадқиқотларнинг амалий аҳамияти. Қовуннинг меваси ажойиб таъмга ҳамда кўпгина фойдали хусусиятларга эгадир. Унинг таркибида 85,0-92,0% сув, 8,0-15,0% қуруқ модда, 0,8% оқсил 1,8% клетчатка ва 6,2% бошқа углеводлар, 0,9% мой, 0,6% кул, 20,0-30,0 мг/% С дармондориси, 0,03-0,07 мг/% бошқа дармондорилар, Zn, Fe, Ca, Mg, K, P каби микроэлементлар, органик ва минерал тузлар мавжуд. Ўрта Осиё қовун навлари меваларидаги қанд моддаси миқдори - 14,0-16,0 фоизга етади. Таркибида фруктоза моддаси миқдорининг ортиқлиги сабабли қовуннинг эти ўта ширин, глюкоза моддаси кўпроқ бўлганда эса эти нимширин таъмга эгадир.

Ушбу сифатлар қовуннинг парҳез озиқа жиҳати, доривор хусусиятлари ва халқ табobatiда қўлланилиши бўйича аҳамиятини белгилаб беради.

Қовун этидан турли рецептлар бўйича консерва ҳамда қандолатчилик саноатида мураббо (шинни), қиём, цукат, пирог, пряниклар ва печенье тайёрлашда фойдаланилади.

Қовундан тайёрланган қоқи таркибида 60 фоизгача қанд бўлган ва ажойиб таъмга эга бўлган қизғиш-жигар тусли ўзига хос асал- «бекмес» алоҳида эътиборга моликдир. Шарқ ширинлигидан бири бўлган ҳолва бекмесни ун билан қорилган ҳолда таёрланади. Ўта пишиб кетган қовун меваси ун қўшиб ясалган кулчалар қуёшда қуритилган ҳолда қовункурт таёрланади ва улар қуруқ, салқин жойда баҳорга қадар сақланиши мумкин.

Қовун пўсти ва хом мевалари чорвачиликда қўшимча озуқа манбаи ҳисобланади. Унинг уруғи таркибида 35,0% мой бўлиб, уни прованс мойидан қолишмайдиган юқори сифатли мой тайёрлашда ишлатилади.

Замонавий ижтимоий шароитлар ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ривожланиши қовун навларининг тарқалишига ўз таъсирини кўрсатмоқда. Сўнгги ўн йилликда ҳаваскор қовунчилар томонидан етиштириб келинаётган маҳаллий навлар сони камайиб, халқ селекциясининг баъзи қимматли қадимий навларини йўқотиш ҳавфи вужудга келди. Шу билан биргаликда, қовунчиларнинг саъйи-ҳаракатлари туфайли бу экиннинг янги ажойиб, истикболли, барқарор шакллари ва навларини танлаш ва кўпайтириш йўли орқали мавжуд маҳаллий навларни яхшилаш жараёни давом этмоқда.

Қовун ўзбек тўйи ва бошқа тантана дастурхонларининг анъанавий безагидир. У ҳар бир оилада ҳузур билан истеъмол қилинади. Қовун нафақат Ватанимизда балки бутун дунёда севиб истеъмол қилинади. Сўзимизниг исботи ўлароқ, 2012 йил да Ҳоразм вилоятидаги «Шовот Қорақум» фермер хўжалиги 2012 йилда Россияга умумий қиймати 17 минг долларга тенг бўлган 35 тонна қовун экспорт қилган. «Хоразм қовунлари» ширкати фермерлари эса Жанубий Кореяга 60 тонна қовун жўнатишган.

Қовуннинг офтобда қуритилган тилимлари юқори қанд моддасига эга бўлган табиий маҳсулотга айланади, унинг таркибида 50 фоиздан ортиқ қанд моддаси ташкил этади ва маҳаллий аҳоли томонидан истеъмол қилинади ва ҳорижга экспорт қилинади.

Қуритилган қовун ҳам худди янги пишган қовун каби хусусиятга эгадир. Халқ табобатида дармони қуриб қолган, камқон касалларга қовун ейиш буюрилади. Гепатит билан оғриб ўтган ва ичи қабзият бўлиб юрадиган одамларга у фойдалидир.

Тадқиқоднинг мақсади ва вазифалари. БМИ нинг асосий мақсади қовундан қоқи тайёрлашни ана шу корхоналарга олиб киришдир. Вазифаси хом ашёдан мумкин қадар кўпроқ маҳсулот олиш жараёнини ишлаб чиқиш.

Қовун маҳсулотларини қишки мавсумда аҳоли талаб даражасида етказиб бериш бугунги кунда ишлаб чиқариш корхоналари олдида турган долзарб вазифалардан биридир. Қовундан қоқи тайёрлашда ҳозирда асосан уруғчилик хўжаликлари шуғулланади. Қоқи тайёрлаш жараёнида хом ашёни кўп қисми йўқоилиши сабабли корхоналарда бу маҳсулотни ишлаб чиқаришга бўлган ихтиёр кам.

БМИнинг таркиби. Битирув малакавий иши 60 саҳифадан иборат бўлиб, кириш, 6 бўлим, ҳулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, ва иловаларни ўз ичига олади. Ишда 5 та расм ва 10 та жадвал а келтирилган.

1. ҚОВУНЧИЛИКНИНГ ТАРИХИ ВА ҲОЗИРГИ АҲВОЛИ.

Н.И.Вавилов (1926) таъкидлашича, Ўрта Осиё маданий ўсимликларнинг келиб чиқиш ўчоғи ва қовуннинг келиб чиқиши бўйича эса иккиламчи ўчоғи ҳисобланиб, унинг йирик тур хиллари жамланган. Халқ селекционерлари томонидан турли тупроқ-иқлим шароитларига етиштирилишга мослашган қовуннинг кўплаб навлари яратилди. Шундай тор маҳаллий навлар ҳам мавжудки, улар маълум бир минтақа, хаттоки худуд алоҳида бир аҳоли пункти доирасида етиштирилишга мослашган. Кўплаб маҳаллий навлар асосида кенг тарқалиш миқёсига эга бўлган янги селекцион навлар яратилди.

Ёзма тарихий манбалар бундан 2 минг йил илгари ҳам қовун етиштирилганлигидан далолат беради. Қорақалпоғистон Республикасининг Беруний шаҳридан 80 км узоқликда жойлашган Тупроққалъада олиб борилган қазилма ишлари жараёнида милодий III асрга тааллуқли маданий

ковун уруғлари топилган. Ас-Саолибий (милодий IX аср) ва сайёҳ Ибн Батутта (XIV аср) ўз китобларида Хоразм қовунларига таъриф беришган.

Захириддин Муҳаммад Бобир (XV аср) ва ундан кейинги даврда бир неча сайёҳлар Мовароуннаҳр бўйлаб сафарлари давомида бу фаровон ўлканинг ажиб қовунларига қойил қолишган.

Ажойиб мевалар довуғи мамлакат ташқарисидаги узоқ ўлкаларга кенг ёйилди. Қовунларнинг катта миқдорда милоддан аввалги II асрда Хитойга, IX-X асрларда Ироққа олиб чиқилганлиги тўғрисидаги маълумотлар сақланган. Қовунлар Ҳиндистонда, Эронда ва бошқа мамлакатларда ҳам муносиб баҳоланди. Шу даврларда қовун қоқиси ҳам эътироф этилиб, уни узоқ ўлкаларга олиб чиқилар эди.

Қадимда қовунни яхши шамоллатиладиган жойларда, қуруқ қумда, дон, сомон ичида, осиб қўйиш йўли билан ҳамда махсус қурилган қовун омборлари – қовунхоналарда кейинги йилнинг апрел-май ойига қадар сақлаш усуллари маълум бўлган.

Ўзбекистон ҳудудида ҳозиргача қовуннинг аччиқ ва нордон таъмли ёввойи тури ўсади, у Марказий Осиёда тарқалган маданий тур хилларнинг асосчиси ҳисобланади.

Деҳқонлар асрлар давомида қимматли хўжалик белгиларига эга бўлган Янги шакллар устида доимий изланишлар олиб бориш ва энг мақбул сара қовун мевасининг уруғларини янги ҳосил учун танлаш тажрибаларини авлоддан-авлодга узатганлар.

Бунда фақатгина наслда мустаҳкамланиб ва сақланиб қолиши мўлжалланган барқарор белгиларга эга бўлган шаклларга эътибор берилибгина қолмай, навларнинг қайта чангланиши туфайли юзага келган янги шакллари ҳам аҳамият берилган.

Қовунчилик ўчоқларидаги ана шундай ижодий жараён натижасида халқ селекционерлари томонидан турли тупроқ-иқлим шароитларида ўсишга мослашган хилма-хил маҳаллий навлар яратилди. Улар бир-биридан етилиш

муддати, юқори таъм хусусиятлари ва бошқа қимматли белгилари билан фарқ қилишади. Афсуски, ўрта асрларда Ўрта Осиёга босқинчиларнинг босқини даврларида қовунчилик инқирозга учради ва шу даврда айрим маҳаллий навлар бутунлай йўқотилди. Бироқ, халқимиз авайлаб сақлаб қолинган кўплаб маҳаллий навлар деҳқонларимиз томонидан ҳозиргача ўстириб келинмоқда ва шунингдек, улар замонавий селекция навларини яратишда бирламчи манбаа сифатида хизмат қилиб келмоқда.

Қовунчиликнинг ривожланиши муайян бир жойнинг этник анъаналари билан чамбарчас боғлиқ бўлиб келган. Қовуннинг Осиёда кенг ёйилишига ҳозирги кунга қадар давом этиб келаётган яхши урф-одат ёрдам берди. Ҳар йили қовун пишиғи даврида «қовун сайли» деб аталадиган байрам анъаналари ўтказилиб, унда қовунчилар қовуннинг хилма-хил навларини намоёиш этадилар ва улар орасида халқ селекциясининг нодир намуналари мавжуддир. Қовун мевалари маҳаллий бозорларда сотилиб, шу билан бир қаторда четги ҳудудларда сотиш учун, айниқса, ташишга чидамли ва узок сақлашга яроқли бўлган навлари олиб чиқилади.

Бир маконда яратилган маҳаллий навларнинг бошқа жойларга аста-секин тарқалиши оқибатида навларнинг янги шароитларга мослашувиға ёрдам берди. Янги йўналишлар бўйича танлов натижасида нафақат морфологик, балки, тезпишарлик, ҳосилдорлик, таркибидаги қанд моддаси миқдори, меваларнинг узок сақланиши ва бошқа қатор фойдали хўжалик белгилари яхшиланди. Турли иқлимий минтақаларда янги навларни яратиш жараёни ҳозирги даврда ҳам давом этмоқда.

Халқ селекционерлари томонидан асрлар давомида яратилган қовуннинг маҳаллий навлари ўзининг хилма-хиллиги ва экин майдонлари билан шу қадар қизиқарлики, уларни муайян бир тизимга солиш талаб этилди. XX аср бошида, 20-30- йилларда Ўрта Осиё Давлат Университети, Ўзбекистон сабзавотчилик-картошқачилик тажриба станцияси, Бутуниттифоқ ўсимликшунослик институтининг Ўрта Осиё тажриба

станцияси ва Хоразм тажриба станцияси олимлари томонидан қовун етиштириш ҳудудлари тадқиқ этилди ва унинг хилма-хил намуналари тўпланди. Маҳаллий қовун навларини ўрганиш, яхшилаш ва бойитишга республиканинг кўзга кўринган селекционер-олимлари Пангалло К.И., Филов А.И., Голдгаузен М.К., Бел-Кузнецова В.Ф., Донской П.В., Каримов А.К., Земан Г.О., Дудко П.Н., Кулакова М.Н., Житенева Н.Е., Хакимов А.С., Шукина А.С., Хакимов Р.А. ҳамда халқ селекционерлари Алигавҳаров А., Каримшоев Ў., Тожиев Т., Муйдинов Ш. ва бошқалар ўзларининг улкан ҳиссаларини қўшдилар.

Қовун навларига ном бериш уларни таърифловчи белгиларига қараб: тур хилма- хиллиги номидан олдин қўшилганига қараб (қизил гулоби, қизил бешак); қовун сўзидан олдин келадиган таърифга қараб (Оққовун, қорақовун); олиб келинган мамлакатига қараб (Хитойи); жойнинг номига қараб (Пахтаобод кўкчаси, Байтқўрғон, Урганжи); жой номига таърифини қўшилганига қараб (Самарқанд Оқноввоти); селекционер ёки яқин киши исмига қараб (Давлатбой, Мулласапо) ёки қовунининг эгасининг номига қараб (Хожиқовун); асосий номга «и» эгалик қўшимчасининг қўшилишига қараб (Камоли, Дониёри); туйғулар ифодасига қараб (Дехқонсевди, Лаззатли, Роҳат), ҳамда фарқланувчи ташқи белгиларга, яъни: шаклига (қўйбош), меванинг ранги ва суратига (Қорапўчоқ, Олача, Кўкча), этининг сифатига (Нонгўшт), этининг рангига (Ичқизил); этининг зичлигига (Ёғочқовун, Бекзод); уруғининг рангига (Қизилуруғ), узок сақланишига (Умрбоқий), пишиш муддатига (Чиллаки) қараб ном бериларди.

Кўп йиллик халқ селекцияси натижасида яратилган Ўрта Осиё қовунлари ҳозирда қуйидаги гуруҳларга бўлинган: морфологик белгилари юқори бир хиллиги даражасига эга навлар, асосий навдан биологик ва морфологик белгилари билан бутунлай фарқланадиган, лекин аввалги номини сақлаган нав-популяциялари (Амири, Бешак, Оққош, Гулоби, Бўрикалла ва бошқалар) ҳамда морфологик белгилари ўхшаш ва ўз номига,

кўпинча бир ўзакка эга навлар (Гурвак, Оқ гурвак, Ола гурвак, Босволди, Қора босволди, Оқ босволди ва бошқалар). Айрим навлар ўз синонимларига эгадир. Бўриқалла номи билан бир-биридан фарқли равишда икки нав тарқалган. Бухоро вилоятида бу нав ҳандалак хилига тегишли бўлса, Фарғона водийсида кассаба хилига мансубдир. Эртапишар Қорақош нави Самарканд вилоятида, унинг кечпишар шакли эса Қорақалпоғистон ва Хоразм вилоятида тарқалган.

Ўзбекистон ва Қорақалпоғистонда тарқалган навлар халқ томонидан маҳаллий тилда номланади, лекин адабиётларда уларнинг номлари баъзан ўзгартириб кўрсатилган (Оқ жамбўлша- Оқ замча). Эски навларнинг бир неча ўн йилликлар давомида табиий дурагайланиши жараёнида белгиларнинг ўзгарувчанлиги натижасида янги шакллар намоён бўлди. Улар аҳоли томонидан етиштириб, кўпинча навнинг эски номини сақлаб қолган ҳолда доимо яхшиланиб бормоқда. Олаҳаммак, Аллеке, Амири, Бекзоди, Бешак, Бақираман, Гулоби, Гурвак, Нонгўшт, Маданий замон навларининг бир неча шакллари мавжудир.

Қовунчилик воҳаларининг нав таркиби барқарор емас. Бу ерда эски маҳаллий ва янги селекцион навлар етиштирилади. Айрим навлар кам миқдорда етиштирилади ёки умуман экилмайди.

Ўзбекистон ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институтида, Ўзбекистон сабзаёт-полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтида, Қорақалпоғистон деҳқончилик илмий-тадқиқот институтида қовунларнинг бутун дунёда тарқалган хилма-хил турлари (1330 дан ортиқ намуналари) жамланган ва сақланиб келинмоқда.

Ўрта Осиё ҳудуди илмий экспедициялар томонидан тадқиқ этиш, янги маҳаллий навларни йиғиш ва коллекцияларни янги намуналар билан бойитиш ишлари давом этмоқда.

Олимлар томонидан қовун навларининг морфологик ва қимматли-хўжалик белгиларининг ўзгарувчанлиги ва наслланишини ўрганиш, уларни

типиклаштирилиш, нав етиштириш ва уруғчилигининг жадал технологиясини ишлаб чиқиш ишлари амалга оширилди.

Янги навларни яратиш бўйича селекция ишлари давом этмоқда.

2. ҚОВУННИНГ БИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ЕТИШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

2.1 Қовуннинг биологик хусуситлари.

Қовун – *Cucumis melo* турига мансуб бўлиб, пояси узунлиги 2,5-3 метр; кўндаланг кесими юмалоқ қиррали, барглари яхлит, орқа томони тукланган, ўқ илдизи 60-100 см чуқурликда бўлиб, тарқалиш диаметри 2-3 метрга етади. Ён илдизлари сони 9-12 та. Аксарият гуллари 2 жинсли бўлиб, четдан чангланади. Қовуннинг думалоқ шаклли навларида оталик ва гермафродит гуллари кўпроқ бўлса, узунчоқ мевали навларда эса оталик ва оналик гуллари шаклланади. Оналик гуллари айрим жойлашади, оталик гуллари бир нечтадан тўпгул ҳосил қилади. Гул барглари беш баргли, гул косачаси тукланган, чангчилари бешта (биттаси эркин ва тўрттаси жуфтлашиб ўсган). Чанглари учбурчак юмалоқ шаклда, оғир ва ёпишқоқ. Чанг доначалари диаметри 55-58 мм. Устунчаси калта, йўғон 3-4 ёки 5 бўлакли. Устун оғизчаси уч бўлакли, тугунчаси пастки.

Меваси – ҳар хил шаклдаги сохта мева. Қовун меваси ичида бўшлиқ (уя) бўлиб, у ердаги уруғлар ипчалар (плацента) ёрдамида уруғдонга бирикади. Мевалар уч қатламдан иборат: ташқи – кутикула билан қопланган эпидермис қатлам; ўртанги – хлорофилл паренхимали, колленхима қатлами ва ички – йирик ва майда ҳужайралардан иборат серэт истеъмол қилинадиган қатлам. Мева пўсти қанчалик қалин бўлса, у шунчалик узоқ сақланади.

Полиз экинлари ўсимлиги индивидуал ўсиш даврида қуйидаги босқичларни ўтайди:

1-босқич - экилган уруғ ниш ургандан то униб чиққунча бўлган давр бўлиб, уруғпалла барглардан то биринчи чин барг чиққунча бўлган давр 2-босқич ҳисобланади.

3-босқич- қовунларда, уруғ униб чиққандан 10-14 кун, тарвузларда 20-22 кун ўтгандан бошланиб, бу пайтда ўсимлик бирмунча ўсиб, гул ва бошланғич чин барг бўртмалари пайдо бўлади.

4-босқич- гул ғунчалари пайдо бўлгандан бошланади. Бунда қовунлар биттадан, тарвузлар эса иккитадан чин барг чиқарадилар.

5-босқич- чангловчи гулларнинг чанги етила бошлайди. Шу билан бир пайтда биринчи ва иккинчи тартиб новдалар ўса бошлайди.

6-босқич- чангловчи гуллар бўртмаси тўлиқ етилади, гултожи барглари сариқ рангга киради.

7-босқич- чангланувчи гуллар ғунчаси пайдо бўлади.

8-босқич- қовунларда, уруғ униб чиққандан кейин 40-45 кунда, тарвузларда 45-55 кунда чангловчи гуллар очилади, чангланувчи гуллар ғунчаси анча бўртиб қолади.

4-5-6-7-8 босқичларда ҳаво ҳароратини мўътадил бўлиши ҳосилдорликни оширади.

9-босқич- чангланувчи гуллар ғунчаси катталашади, уруғдон чўзилиб уруғ камералари пайдо бўла бошлайди. Чангловчи гуллар сони кўпаяди.

10-босқич- қовун уруғи униб чиққандан 50-60 кун, тарвузларда 60-65 кун ўтгандан кейин чангловчи гуллар қийғос очилиб, чангланувчи гуллар очила бошлайди.

11-босқич- чангланувчи гулларнинг қийғос очилиши билан бошланиб, туганаклар ривожлана бошлайди, 2 ва 3 тартиб новдалар ҳамда асосий новда жуда тез ўсади.

12-босқич- қовун уруғи униб чиққандан 75-88 кун, тарвузларда 100-110 кун ўтгандан кейин бошланади. Бунда асосий ва ён новдалардаги биринчи тугилган мевалар пишади.

Полиз экинларининг ўсув даврининг узун қисқалиги ўсимлик турига, навига, ташқи муҳитга ва тупроқ структурасига боғлиқдир. Ёғингарчиликнинг кўп бўлиши, ҳаво ҳароратининг пастлиги, қуёшсиз кунларнинг кўп бўлиши ўсув даврини узайтиради. Қуёшли ерларда ўсув даври қисқа бўлади.

Полиз экинларининг ўсув даври 2 асосий қисмдан, яъни уруғ униб чиққандан то майсалик гуллар очилгунча ва мева тугилгандан то пишиб етулгунча бўлган даврдан иборат.

Полиз экинлари ёруғликсевар ўсимликлар, шунинг учун полиз экинларини очик майдонларда етиштириш керак. Ёруғлик айниқса ўсимликларнинг гуллаш ва пишиш даврида зарурдир. Ёруғликнинг етишмаслиги натижасида ўсимликларда ассимиляция жараёни 10-20 мартагача пасайиб кетади. Натижада гуллаш даври чўзилиб, маҳсулдорлик кескин пасаяди. Ўсимликларни меъёрдан ташқари қалин жойлаштириш вегетатив қисмларининг ўсиб кетиши шаклланадиган оналик гуллари сонининг камайишига, мевалар ўртача вазни камайиши ва ҳосилдорлик пасайишига олиб келади. Ҳаво булут бўлганда ўсимликлар сояга тушиб қолганда меваларда куруқ модда ва шакар кам тўпланади. Экинлар ўсув даврида ўсимликларга 10-12 соатлик ёруғлик куни керак.

Полиз экинлари тупроқ ва ҳаво ҳароратига жуда талабчан ўсимликлардир. Айниқса, уруғ униб чиқиш даврида юқори ҳарорат бўлиши лозим. Шунинг учун ҳам тарвуз кўпроқ чўл ва ярим чўл минтақаларида, Жанубий ва Шарқий-жанубий ноҳияларда, қовун эса иқлими энг иссиқ ва ёруғ бўлган туманларда ўстирилади. Қовун уруғи 15°C униб чиқади. Бундан паст ҳароратларда полиз экинлари уруғларининг униб чиқиш хусусияти пасайиб, уруғлар чириб кетади, ёки униб чиққан тақдирда ҳам кўчатлар суст ривожланади. Униб чиққан ўсимликнинг яхши ўсиши учун мўътадил ҳарорат $25-30^{\circ}\text{C}$ ҳисобланиб, ҳарорат бундан юқори бўлса, униб чиқиш жараёни пасаяди. Қовоқ ўсимлиги учун эса мўътадил ҳарорат $20-25^{\circ}\text{C}$ бўлиши керак. 15°C дан паст ҳаво ҳароратида ўсимлик ўсиши кескин тўхтаб, ҳосилдорлик жуда пасайиб кетади. Ҳаво ҳарорати -1°C бўлганда қовун умуман ривожланмайди. Полиз экинлари гуллаш даврида ҳам юқори ҳаво ҳароратига талабчандир. 15°C дан паст ҳароратда гул ғунчалари очилмайди, чангдонлар яхши етилмайди, чангланиш жараёни умуман ўтолмайди ва ниҳоят гуллар куриб тўкилиб кетади. Бу эса ҳосилдорликни пасайтиради. Ҳаво ҳарорати 35°C дан юқори бўлса, шу аҳвол такрорланади, гуллар яхши чангланиши учун ҳаво ҳарорати эрталаб $18-20^{\circ}\text{C}$, кундуз куни эса $20-25^{\circ}\text{C}$ бўлиши керак.

Полиз экинларининг илдиз системаси ер устки қисмига нисбатан паст ҳаво ҳароратидан кўпроқ таъсирланади. Полиз экинлари иссиққа чидамли ўсимликлардир. Айниқса қовуннинг Ўрта Осиё турлари бунга мисол бўла олади. Полиз экинлари палаги катта, баргларининг сони кўп ва барг сатҳи катта бўлганлигидан сув буғланиш коэффиценти жуда юқори. Лекин илдиз таркиби катта ва чуқур жойлашганлиги сабабли сувни сўриш қобилияти юқори бўлиб, буғланган сувнинг ўсимликдаги миқдори тўлдирилиб туради, шу сабабли полиз экинлари қурғоқчиликка чидамли ўсимлик ҳисобланади.

Тупроқ намлиги меванинг кимёвий таркибига ҳам таъсир этади. Тупроқ намлиги юқори бўлиши билан полиз мевалари таркибидаги С витаминининг миқдори юқори бўлади.

Сув - ўсимликларнинг таркибий қисми бўлиб ҳисобланади. Қовун ҳар хил қисмларида ҳаммаси бўлиб 80-90 % сув бор. Тўқималар намлик даражасини шундай юқори кўрсаткичларда сақлаб туриш учун ўсимликларга сув етарли миқдорда етиб бориши зарур.

2.2 Қовун етиштириш ва ҳосилни йиғиш технологияси.

Ер танлаш. Полиз экинлари тури ва навига қараб тупроқ унумдорлигига ва типига талабчанлиги ҳар хил. Шунинг учун енгил қумоқ тупроқли ерларда тарвузни, унумдор оғир тупроқли ерларда қовун ва қоқоқни ўстириш мақсадга мувофиқ.

Умуман полиз экинлари озиқ элементлари ва органик моддаларга бой бўлган, сув ва ҳавони яхши ўтказадиган шўрланмаган ерларда яхши ўсади. Айниқса, полиз экинлари янгидан ўзлаштирилган қўриқ ва бўз ерларда, бог ва токзорлардан бўшаган далаларда юқори ва сифатли ҳосил беради.

Алмашлаб экишдаги ўрни. Ўзбекистон шароитида полиз экинлари фузариоз сўлиш касаллиги, ғалла нематодалари ва шумғиядан қаттиқ зарарланади. Шунинг учун, полиз экинларини алмашлаб экиш албатта талаб

этилади. Бир далада полиз экинлари 1-2 йил ўстирилиб, яна 5-7 йиллардан сўнг экиш мумкин.

Полизчиликка ихтисослашган хўжаликларда саккиз далали по-лиз-беда алмашлаб экиш схемаларидан фойдаланилади. Бу алмашлаб экишда 3 дала полиз экинлари билан банд бўлиб, қолган далаларга беда, сабзавот экинлари ва картошка экилади. Полиз экинлари учун энг яхши ўтмишдош экинлар беда, карам, сабзи, маккажўхори ва шоли ҳисобланади.

Ўғитлаш. Ўзбекистонда эскидан фойдаланиб келинаётган ерларда гектарига 20-40 тонна чириган гўнг солиш зарур. Бундан ташқари бўз тупроқли ерларда полиз экинлари ўстирилса гектарига таъсир этувчи модда ҳисобида $N-100-150$, $P_2O_5-100-150$, $K_2O-50-60$ кг ҳисобида; ўтлоқ ва ўтлоқ-ботқоқ тупроқли ерларда $N-100-150$, $P_2O_5-100-150$, $K_2O-50-60$ кг ҳисобига солинади.

Қўриқ, янги ўзлаштирилган ерларга ёки бедапоядан бўшаган ерларга биринчи йил қовун, тарвуз ўстирилганда азотли ўғитлар берилмайди ёки кам нормада ишлатилади, фосфор эса гектарига 100-150, калий 50-60 кг солиш тавсия этилади. Полиз экинлари экишгача гўнг ва калий ўғитлари тўлиқ, фосфорли ўғитлар 70 фоиз нормаси солиниб, ҳайдалади. Қолган 30 фоиз фосфор эса экишда берилади. Азотли ўғитлар йиллик норманинг 50% ҳисобида икки озиклантиришда, биринчиси ягонадан сўнг, иккинчиси гуллаш бошланганда берилади.

Ёрни ишлаш ва экишга тайёрлаш. Кузда ПЯ-3-35 ва ПД-4-35 икки ярусли плуглар билан 28-30 см чуқурликда шудгорланади. Бедапоядан бўшаган ер бўлса чап тишлар ўрнатилган икки қаторли плуглар билан ҳайдалади.

Бегона ўтлар кўп бўлган далаларда кузги шудгордан кейин ВКС-1,8 машинаси билан бегона ўтларнинг илдиз поялари тароқлаб олиниб, бузилган пушта ва эгатлар ГП-4,0 текислагич-грейдер ёрдамида текисланади.

Баҳорда, техникалар юраоладиган бўлганда, киш давомида тўпланган намни тупрокда сақлаб қолиш учун тишли СП-11 М бороналар билан бороналанилади, экиш олдидан эса ЧКУ-4 чизель-культиватори билан бир вақтда чизелланади, бороналанади ва молаланади.

Экиш. Тўла ва қийғос ниҳоллар олиш учун сифатли 1-класс уруғлари ажратиб олинади. Одатда уруғлар 4-5 фоизли ош тузи эритмасига солиниб, эритмада чўккан уруғлар ажратиб олинади ва экилади.

Экишдан олдин уруғлар 12-24 соат давомида сувда ивителиди. Бу даврда сув 2-3 марта янгиланади. Касалликларга қарши ҳар бир килограмм урукка 6-8 грамм ТМТД препарати аралаштирилади. Экиш муддати тупрок ва иқлим шароитига ҳамда навига қараб апрел ойи ўрталарида май ойи бошларида эртаги ва ёзги навлар май охири, июн бошларида кузги, қишки навлар экилиши мақсадга мувофиқ. Экиш кенг пушталаб икки қаторли лентасимон усулда амалга оширилади. Бунда суғориш ариқлари кенглиги 70 ёки 90 см қилиб олинади. Эгатлар оралиғи фойдаланилаётган трактор ғилдираклари оралиғининг кенлигига боғлиқ. Агар ғилдираклар оралиғи 1,4 метр бўлса, пушта кенглиги 280 ёки 350 см, 1,8 метр бўлганда 360 ёки 450 см бўлади. Бу усулда қовун $\frac{210 + 70}{2} \times 70$ ёки $\frac{270 + 90}{2} \times 60$ см схемада экилади ва гектарига 8-11 минг туп, тарвуз эса $\frac{280 + 70}{2} \times 70$ ёки $\frac{270 + 90}{2} \times 70 - 90$ см схемада экилади ва гектарига 6-8 минг туп қисм-лик жойлаштирилгани маъқул. Бунинг учун ҳар бир уяга 4-5 та донадан уруғ ташланиб, ҳар гектарига 3-5 кг сарфланади. Экиш чуқурлиги эса 4-6 см. полиз экинлари экишда чигит ва СБУ-2,4 сеялкаларидан фойдаланилади.

Парвариш. Полиз экинларида парвариш қатқалокқа қарши курашдан ва хатосини қайта экишдан бошланади. Ниҳолларни ягоналаш икки марта: биринчи марта биринчи чинбарг ҳосил қилганда ҳар уяда 2-3 та ўсимлик қолдириб, иккинчи марта 3-4 чинбарг пайдо қилганда, ҳар бир уяда 1-2 та ўсимлик қолдирилади.

Биринчи ягонадан сўнг комплекс ишлов берилади, суғорилади, қатор ораси ва пушта культивация қилинади ва чопилади. Ўсимлик 3-4 чингбаргли бўлганда иккинчи комплекс ишланади ва озиқлантирилади.

Полиз экинлари ер ости сизот сувларининг жойлашиш чуқурлигига қараб 4-6 дан 8-9 мартагача суғорилади. Ўсув даврида биринчи ва иккинчи чопикдан сўнг бир мартадан, сўнгра мева пишишгача ҳар 10-14 кунда, мева гектарга 600-700 м³ сув сарфланади. Бундан ташқари полиз экинлари даласида 2-3 мартагача палаклар тўғрилаб чиқилади ва меваларнинг жойланиш ҳолати ўзгартирилади.

Полиз экинлари кузги тунлам, ўргимчак кана, полиз бити, полиз қўнғизи (хакана), фузариоз сўлиш, ун шудринг, шумғиядан қаттиқ зарарланади. Уларга қарши курашиш бошқа сабзавот экинларникига ўхшаш.

Жумладан, сўрувчи ва кемирувчи зараркунандаларга қарши олтигугуртли препаратлар, омайт, пликтрон (2-3 кг), 10% ли талстар (0,3-0,5 л), 21 фоизли ипак (1,2-1,5 кг), каратэ (0,2-0,4 л.га) қўлланилиши мақсадга мувофиқдир.

Фузариоз сўлиш, илдиз чириш касалликларига қарши ивителиган уруғлар ҳар бир килограмм 6-8 грамм ТМТД ёки 3-4 грамм Тигам билан ишланиши шарт.

Фузариоз сўлиш касаллигига қарши яна экишдан бир ой олдин ҳар гектар майдонга триходермин препаратидан 120 килограмм солиш тавсия этилади.

Ҳосилни йиғиш технологияси. Ҳар хил навдаги эртапишар қовун меваларининг мамлакатимизнинг турли минтақаларида июн ойининг иккинчи ярмидан бошланиб, августгача давом этса, ўртапишар қовун мевалари июл-август ойларида, кечпишар қовун навлари сентябр ойидан кузги совуқлар тушгунича етилиб боради.

Полиз экинларида маваларнинг шаклланиш даври билан пишиш даври тафовут қилинади. Ўзбекистоннинг суғориладиган деҳқончилик

шароитларида қовун меваларининг шаклланиш даври эртапишар навларда 20-25 кунни кечпишар навларда 27-30 кунни ташкил этади. Ўсимлик гуллари мева туккан пайтдан бошлаб то меваси етилгунча 40-50 кун ўтади. Эртапишар навларда меваларнинг шаклланиш даври пишиш давридан кўра узоқроқ давом этса, кечпишар навларда, аксинча, меваларнинг шаклланиш даври пишиш давридан кўра қисқароқ бўлади.

Қовун меваларинг пишиб етилиш даврида улар пўстинг ранги ва нақши ўзгариб боради; мева эти юмшаб, анча серсув бўлиб қолади, этида хушбўй хид пайдо бўлади; пўсти қуриб каттиқлашади ва тўрлайди; суви қочиб заҳира озиқ моддалар тўпланиб боради ва уларнинг ўзаро нисбати бир қадар ўзгаради. Пишиш даврининг охирларига келганида мевалар билан ўсимликлар ўртасида филиологик алоқа сусаяди, меваларга сув ва озиқ моддалар пишиш даврининг бошларига қараганда пишиш даврининг бошларига ги қовун мевалари қараганда камроқ ўтади. Кечпишар қовун навлари узиб олинганидан кейин етилиб бориш хусусиятига эгадир.

Қовун меваларининг пишганлиги ташқи кўринишига қараб аниқланади. Мевалар пишганида ранги навга ҳос тусга киради. нақши ҳам яхши билинадиган бўлиб қолади. Баъзи навда ўз навига ҳос тарзда тўрлайди. Юшоқ этли ёзги навларда хушбўй хид пайдо бўлади. Эртапишар ва ўртапишар навларда пишган мевалар мева бандидан осонгина ажраладиган бўлиб қолади.

Меваларнинг йиғиб олиш муддатлари. Экиннинг қандай мақсадда экилганига ва навига қараб, мевалари пишишининг турли босқичларида узилади. Маҳаллий истеъмол учун мўлжалланган қовун мевалари тўла-тўқис пишганидан кейин узиб олинади. Қовуннинг пишиб ўтиб кетган навлари узоқ масафаларга олиб бориш учун ярамайди.

Маҳаллий истеъмол учун ишлатиладиган эртапишар ва ўртапишар навдаги қовун мевалари пишган сайин танлаб-танлаб узилаверади, ҳаммаси бўлиб улар 5-6 марта узилади. Одатда даладаги

ковунда умумий ҳосилга нисбатан олганда 10-15 мевалар пишганида уларни узишга киришилади. Ва ҳар 5-7 кунда пишган мевалар яна узиб турилади. Меваларни банди билан бирга ва бандсиз қилиб узиш мумкин.

Кузги қишки қовун навлари ҳосили 2-3 марта йиғиб олинади-да, кейин биринчи кузги совуқ тушиши олдидан мевалар охирга марта ёппасига узилади. Уларни мева бандлари билан бирга узиб олинади. Уруғлик мақсадида экилган қовун мевалари пишганлиги бировз ўтказиб узилади.

Қовун ҳосилини кўп ҳолларда қўлда йиғиб олинади. Мевалар саватга солинади ёки қўма қўл узатилиб, тўп-тўп қилиб уюб қўйилади-да, кейин сараланиб, транспорт воситаларига ортилади. Стандарга тўғри келадиган мевалар сотиш, сақлаб қўйиш ва уруғ олиш учун, стандартга тўғри келмайдиганлари (майда, эгри-бугри, касал теккан, зарарланган мевалар) эса чорвага бериш ва қайта ишлаш учун ажратилади. Меваларни қўлда йиғиб олиш иши кўп меҳнат талаб қилади 1 га майдонга 35-40 киши кун сарфлашга тўғри келади.

3. ТАДҚИҚОТНИ БАЖАРИШ ШАРОИТИ УСЛУБИ.

3.1. Тадқиқот ўтказилган ҳудуднинг қисқача тавсифи ва иқлим шароити.

Тажриба “Маҳаммад Мадрахимов фермер хўжалиги дала шийпонида. Хўжалик Наманган вилоятининг Норин туманида жойлашган. Умумий ер майдони 31 га бўлиб чарвачилик ва ғаллачиликка ихтисослашган.

Норин тумани вилоятнинг шарқий қисмида Фарғона тизмасини этакларида жойлашган. Ғарбий чегаралари бўйлаб Қорадарё оқиб ўтади, рельефи паст-баланд текисликлардан иборат (балл 600-800 метр) тоғ этаклари палеоген даврининг гил, охактош, мергел жинсларидан таркиб топган Норин хавзаси ёппасига кондомератдан иборат. Қорадарё хавзасида кондомерат устуни ўнлаб метр қалинликда қоплаб ўтган қиёсий катта майдонда текислик ҳосил қилган.

Нориннинг қайр текислиги Учқўрғон қишлоғидан бошлаб 2-3 км кенгайди: бу ерда қумлоқ ҳамда қумлоқ жинслар кенг тарқалган. Туман ҳудудининг шимолидан жанубга томон катта Андижон канали кесиб ўтади.

Туманнинг жанубий ғарбий томонидан Қорадарёнинг эски узанидан ўтадиган Қолгандарё барча сизот сувларини йиғиб Қорадарёга қуйилади.

Тупроғи жанубий қисмида ботқоқ торфли, Шимолда бўз тупроқ. Норин Қорадарёга қўшиладиган ерда ўтлоқли ботқоқ, ўтлоқли тупроқлар учрайди.

Континентал ёзи иссиқ. Қиши совуқ, январнинг ўртача температураси 6 градус июлники 27, Йиллик ёғин 190-215 мм . Вегетация даври 233 кун. Туман худуди хайдаладиган ерлардан иборат.

Туманнинг умумий майдони 207,1 кв.км, доимий аҳолиси 147,3 минг шундан шаҳарда 68,4 минг киши, қишлоқда 78,9 минг киши киши истиқомат қилмоқда.

Наманган вилояти субтропик тоғ олди яримчўл ҳамда яримчўл минтақасига мансубдир. Ушбу ҳудудда об-ҳавонинг кескин ўзгариши (кескин совуқ тушиб кетиши, ҳароратнинг кескин кўтарилиб кетиши) кузатилмайди, сабаби теварак-атрофнинг баланд тоғлар билан чегараланганлигидир. Ўртача йиллик ҳаво ҳарорат 14-16⁰С ни, энг юқори ҳаво ҳарорати эса ёз ойларида 39-40⁰С ни ташкил этади.

3.2.1-жадвал

Тадқиқот давомида об-ҳавони кузатиш маълумотлари

Ойлар	Ўртача ҳаво ҳарорати, °С	Ҳавонинг ўртача ҳарорати, °С		Ҳавонинг нисбий намлиги, %	Шамол, м/с	Ёғин миқдори, мм
		мах	мин			
Январ	-1,2	5,3	-7,5	81	5	10,7
Феврал	-0,5	8,3	-7,5	76	12	19,7
Март	7,3	20,0	-1,4	60	9	36,7
Апрел	20,0	30,5	11,3	53,3	15	13,2
Май	22,5	31,5	14,6	50,1	15	26,9
Июн	26,8	37,2	16,8	44	13,7	6,7
Июл	28,8	37,8	20,2	39	14,3	0
Август	28,4	38,4	19,8	42	10	0
Сентябр	22,0	32,0	13,0	47	9	0,5
Октябр	14,7	26,6	4,6	51,3	8	1,8

Ноябр	6,8	17,7	-1,1	69	13	10,4
Декабр	-0,6	9,4	10,4	80	8	22,9
Йиллик	14,4	24,6	7,8	57,7	11	149,5

Қиш ойлари жуда илиқ бўлиши билан характерланади. Лекин, қиш ойларида ҳавонинг ҳарорати -10°C дан -15°C гача, шимолда бироз юқори - 14°C дан -16°C гача тушиши мумкин. Вилоятда қорли совуқ кунлар 25-30 кунни, илиқ ва иссиқ кунлар эса 210-230 кунни ташкил этади. Типик бўз тупроқлар жойлашган жойларда фойдали ҳароратлар йиғиндиси $2410-2420^{\circ}\text{C}$ ни ташкил этади.

Ёғингарчиликни йиллик меъёрлари вилоятнинг шимолида 250-315 мм, жанубида 160-200 мм, адирли, лалми ерларда эса 188 мм ни ташкил этади. Вилоят шамол кўп эсадиган ҳудудлар сирасига кириб, шамол эрта баҳордан куз ойларигача давом этади.

Кўриниб турибдики, вилоятнинг об-ҳаво шароити, илиқ кунларнинг кўп бўлиши, юқори ҳаво ҳарорати буларнинг барчаси бу ерда қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ҳосил олишга замин яратади.

Шунингдек, кузги бўғдойни униб чиқиш ва меъёрида ўсиб-ривожланиши учун ҳам етарли намлик, ҳаво ҳарорати мавжуд бўлиши керак.

Тадқиқотлар мобайнида биз ҳам об-ҳавони кузатиб бордик. Наманган вилояти об-ҳавони кузатиш маркази томонидан 2013 йил учун берилган маълумотлар қуйидаги 3.2.1-жадвалда келтирилган.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, ёз узоқ давом этади, куруқ, иссиқ бўлади, деярли ёмғир ёғмайди, ўсимликларнинг сув билан шунинг учун қовун қоқи олишда эртаги ва ўртаги навлардан бемалол фойдаланиш имкони мавжуд.

3.2. Тадқиқотни мақсади, вазифалари ва объектлари.

Қовундан қоқи тайёрлаш ушбу маҳсулотни сақлашда бир йўл бўлиб, халқни йил давомида қовун маҳсулотлари билан таъминлашда муҳим рол ўйнайди. Қовунни қуритиш катта иқтисодий самара бериши ҳаммага маълум. Қуритилган маҳсулотларни узоқ масофаларга юбориш ҳам анча қулайликлар келтиради.

БМИ нинг асосий мақсади юртимизда етиштирилаётган эртапишар ва ўртапишар қовун навларидан қоқи олиш технологиясини такомиллаштиришдир.

Бунинг учун қуйидаги вазифалар бажарилади. қуритилган маҳсулотлар чиқиши, дегустацион баҳоси, ҳамда қуритилган маҳсулотларни иқтисодий самарадорлиги мавжуд ва такомиллашган технология асосида ўрганилади.

Тадқиқот объекти сифатида қуйидаги қовун навлари олинди:

	Шакарпалак 554
	Ичқизил
	Оқ пар
	Сарик пўчоқ
	Оқ уруғ


3.3. Тадқиқотда ўрганилган навларнинг қисқача таърифи



3.3.1-расм. "Шакар палак-554" қовун нави

Муаллиф: Ўсимликчилик илмий-тадқиқот институти

Ўртапишар нав, ўсув даври 88-100 кун. Меваси тухумсимон, юзаси текис, ёппасига майда тўр билан қопланган, тўқ яшил узук-узук доғлари тасма шаклини беради, вазни 2,6-5,0 кг, пўсти қаттиқ. Эти оқ, қалинлиги 3,5-4.0 см, жуда ширали, эрувчан, хуштаҳм, хушбўй, дигустацион баҳоси 3,8 балл. Ҳосилдорлиги 21-23 т/га. Фузариоз сўлиш касалигига чидамли, ёзги қовунлар орасида энг ширин нав, мевасидан аҳло сифат қоқи олинади.



3.3.2-расм. Ичқизил

(*Cucumis melo* ssp. *rigidus* (Pang.) Fil. var. *ameri*)

Ўсимлик ўрта ўлчамли, палаги-узун. Барги буйраксимон шаклда, ўрта ҳажмли. Гули гермофродит, эркак жинсли. Меваси эллипссимон шаклда, йирик ҳажмли. Мева вазни 3,9-5,0 кг. Мева юзаси силлиқ, ранги сарғиш-яшил. Сурати- тор тўқ яшил йўллар. Тўри тўла, мева юзасини ёппасига қоплаган, йирик катакли, ўрта дағал. Пўчоқ қаттиқлиги ўрта, қаттиқ. Мева эти қалин, оч қизғиш тусли, ўрта толали, карсиллайдиган, майин, ширин, ширали. Қуруқ модда миқдори - 12,9-14,5%, умумий қанд моддаси миқдори - 10,5%. Уруғхонаси ўрта ҳажмли. Уруғдонлари ярим нам, ғоваксимон. Уруғи ўрта ҳажмли, кенг учли тухумсимон шаклда, сариқ тусли. Ўрта тезпишар нав,

майсалар пайдо бўлишидан етилгунига қадар ўсув даври 85-94 кун. Фузариоз сўлиш ва ун шудринг касалликларига ўрта даражада чалинади. Ҳосилдорлиги 28-32 т/га.



3.3.3-расм. Оқ пар

(*Cucumis melo* ssp. *rigidus* (Pang.) Fil. var. *ameri*)

Ўсимлик йирик ўлчамли, палаги- узун. Барги юраксимон шаклда, ўрта ҳажмли. Гули гермофродит, эркак жинсли. Меваси цилиндрсимон шаклда, йирик ҳажмли. Мева вазни 5,0-6,0 кг. Мева юзаси силлиқ, ранги сариқ. Сурати- қора-яшил доғлар. Тўри тўла, мева юзасини ёппасига қоплаган, ўрта катакли, кам боғланган, айрим жойларида ёриқлари бор. Пўчоғи қаттиқ. Мева эти ўрта қалин, ёрқин қизғиш тусли, карсиллайдиган, ширали, ширин. Қуруқ модда миқдори - 12,5%, умумий қанд моддаси миқдори - 10,6%. Уруғхонаси йирик ҳажмли. Уруғдонлари қуруқ, уруғхонанинг ярмини эгаллаган. Уруғи йирик, тухумсимон шаклда, сариқ тусли. Ўртапишар нав, майсалар пайдо бўлишидан етилгунига қадар ўсув даври 85-95 кун. Ҳосилдорлиги 25-30 т/га. Ташишга чидамлилиги ва сақланувчанлиги- яхши. Махаллий нав. Тошкент, Сирдарё ва Жиззах вилоятларида тарқалган.



3.3.4. расм. Сарик пўчок

(*Cucumis melo* ssp. *rigidus* (Pang.) Fil. var. *ameri*)

Ўсимлик ўрта ўлчамли, палаги- узун. Барги юраксимон шаклда, ўрта хажмли. Гули гермофродит, эркак жинсли. Меваси эллипссимон шаклда, йирик хажмли. Мева вазни 4,0-6,0 кг. Мева юзаси силлик, ранги сарик. Сурати- ёрқин қизғиш тусли узук-узук ёллар шаклидаги доғлар. Тўри тўла, мева юзасини ёппасига қоплаган, ўрта катакли. Пўчок қаттиқлиги ўрта. Мева эти қалин, оқ тусли, кам толали, карсилайдиган, ширали, ширин. Қуруқ модда миқдори - 12,7%, умумий қанд моддаси миқдори - 10,3%. Уруғхонаси ўрта хажмли. Уруғдонлари қуруқ, уруғхонанинг яримидан кўп қисмини эгаллаган. Уруғи йирик, нашта-симон шаклда, сарик тусли. Ўртапишар нав, майсалар пайдо бўлишидан етилгунига қадар ўсув даври 85-90 кун. Ҳосилдорлиги 30-45 т/га. Ташишга чидамлилиги ва сақланувчанлиги- яхши. Махаллий нав. Тошкент вилоятида тарқалган.



3.3.5- расм. Оқ уруғ 1157

(*Cucumis melo ssp. rigidus* (Pang.) Fil. var. *ameri*)

Ўсимлик ўрта ўлчамли, палаги- ўрта узунликда. Барги буйраксимон шаклда, қирқилмаган. Гули гермофродит, эркак жинсли. Меваси урчуксимон шаклда, йирик ҳажмли. Мева вазни 4,0-7,0 кг. Мева юзаси силлик, ранги мевабанд қисми яшил ва ёқори қисми эса салкам оқ тусли. Сурати- тор, кам узилган ёрқин яшил доғлар. Тўри тўла, мева юзасини ёппасига қоплаган, ўрта катакли. Пўчоқ қаттиқлиги ўрта. Мева эти қалин, оқ тусли, кам толали, кам карсилайдиган, ширали, кам ҳидли. Қуруқ модда миқдори- 9,3-11,7%, умумий қанд маддаси миқдори - 8,2-9,4%. Уруғхонаси ўрта ҳажмли. Уруғдонлари қуруқ, уруғхонанинг ярмини эгаллаган. Уруғи йирик, тор учли тухумсимон шаклда, силлик, сариқ тусли. Ўртапишар нав, майсалар пайдо бўлишидан етилгунига қадар ўсув даври 80-88 кун. Фузариоз сўлиш ва ун шудринг касалликларига чалиниши ўрта. Ҳосилдорлиги 25-35 т/га. Ташишга чидамлилиги ва сақланувчанлиги- ўрта. ЎзСПЭЖИТИ селекцияси нави. Ҳакимов А.С. томонидан яратилган. Бухоро, Самарқанд, Сирдарё ва Тошкент вилоятларида раёнлашган.

3.4. Тадқиқот услуби.

Объект сифатида олинган қовун навларида қуйидаги ҳисоблашлар олиб борилади: қуритилган маҳсулот чиқиши ва тайёр маҳсулотларни товар ва таъм сифатлари ўсимликшунослик институтида қабул қилинган услублар бўйича олиб борилади.

Қовундан қоқи тайёрлашда мавжуд офтобда қуритиш ва таколмиллашган қуритиш усуллардан фойдаланилади.

Қовун қоқи тайёрлаш. Қовун асосий полиз маҳсулотларидан бири ҳисобланади. У фақат етилган пайтда истеъмол қилинадиган қийматли бўлиб қолмай, балки қайта ишлангандан кейин ҳам ўзини хуштаъмлигини

йўқотмайди. Қовун таркибида глюкоза, фруктоза ва сахароза каби қанд бирикмалари ҳамда кўп миқдорда клетчатка, гемицеллюлоза, пектин ва бошқа моддалар мавжуд. Қовун уруғи экишдан ташқари, ундан ёғ олишда, пўстлоғи чорва учун ем сифатида ишлатилади. Ўзбекистон уруғчилик хўжаликлар-рида қовун уруғи олиш учун ҳар йили 15–20 минг тонна маҳсулот сарфланади. Бундай миқдордаги қовунни қайта ишлаш натижаси-да 1000 тоннадан ортиқ қоқи олиш мумкин. Бу эса хўжаликлар-нинг қўшимча даромад олишига имкон беради.

Қовунни офтобда, оддий усулда қуритиш учун майдонча, стол, пичоқ, паднис, ходача, рейка, каноп ип ва зангламайдиган симлар бўлиши зарур. Қуритиш майдончаси атрофи очик, қуёш яхши тушадиган ва серкатнов йўллардан узоқроқ бўлиши шарт. Қовун қуритиш махсус жиҳозланган илгакларда амалга оширила-ди. Бунинг учун баландлиги 170 см бўлган диаметри 6х6 см рей-калардан дастгоҳлар ясалади. Бу рейкаларнинг ҳар икки томонига учбурчак асосли кенглиги бир метр тирговучлар осилади. Учбур-чак шаклидаги тирговучлар 2,5 метр оралиғи ўрнатилиб, рейкалар билан мустаҳкамланади. Ҳар икки томонидан 4–5 қатор қилиб, 35–40 см ораликда сим ёки эшилган каноп тортилади. Бир тонна маҳсулотни қуритиш учун мавсумда (4 марта қуритилганда) 9 та дастгоҳ, ясаш учун 1,1 куб. метр ёғоч сарфланади. Дастгоҳларни йиғма шаклида ҳам ясаш мумкин.

Қовун қуритиш пайтида қуйидагиларга эътибор бериш керак:

- қуритиш майдончасини доимо озода ҳолда ушлаш керак;
- стол ва навларни тозалигини назорат қилиш, зарурат туғилганда уларни ишқорли эритма билан артиб туриш;
- ишчилар қовунни қирқиш, симларга осиш ва барча иш жараёнларида эҳтиёт чораларига амал қилиш юзасидан инструктаж ўтказиш;
- хом ашёни қайта ишлайдиган ва қуритилган тайёр маҳсу-лотни сақлайдиган омборларни уй ҳайвонлари, кемирувчи ва ҳаша-ротлардан муҳофаза қилиш тадбирларини кўриш;

- қовун қуритишдан олдин барча зарур асбоб-ускуналар билан тўлиқ жиҳозланиши ва улар ишга яроқли ҳолда бўлиши шарт.

Қовун қоқи тайёрлашда пишиб етилган ва касалланмаган қовуннинг барча нав мевалари яроқли ҳисобланади. Бироқ этининг зичлик даражасига қараб, уни қирқиш ва қуритишнинг турли усулини танлаш тавсия этилади. Эти зич бўлган «Ичқизил», «Оқ уруғ», «Кўкча», «Гулоби», «Тўқ сариқ» ва бошқа навларни оддий усулда илмоқларда қуритиш мумкин. Юмшоқ этли «Босволди», «Тошлоқи», «Гурбек» нав меваларини қирқиб, осиш пайтида эти узилиб кетади, шунинг учун улар тозалангандан кейин қирқилиб, сўкчакларга ёйилган ҳолда 2–3 кун давомида дастлаб қуритиш, сўнггра яхши қуриб етилиши учун симларга осиб қўйилади. Об-ҳаво шароити ва қирқилган қовун бўлаклари қалинлигига қараб қуритиш муддати 6–12 кунгача давом этади. Бутун, соғлом қовунлар ажратиб олиниб, улар ювилади ёки хўл латта билан артилади. Ундан кейин тенг икки бўлакка бўлиниб, уруғи олинади. Кесилган паллалар тилимларга бўлиниб, қалинлиги 3–4 см бўлади ва пўсти тозаланиб, бир жуфт қилиб қуритиш учун осиб қўйилади. Қовунни эти қарсилдоқ навлари («Кўкча», «Ич-қизил») тилиб осиш пайтида узилиб кетиши боис уларни аввал сўкчакларга ёйган ҳолда қуритиб, сўлитилади, юмшагандан сўнг рейкалардан фойдаланиш мумкин. Қуритилган тайёр маҳсулотни чиқиш миқдори турли навларда ҳар хил бўлиб, қовун таркибидаги қанд миқдори, уруғга, қовун пўстининг қалинлиги ва этининг чиқишига қараб аниқланади. (3.4.1-жадвал).

3.4.1-жадвал

Меваларни механик усулда текшириш ва сўлиган маҳсулотни чиқиш миқдори (фоиз ҳисобида)

Қовун навлари	уруғи	Пўсти	эти	сўлиган маҳсулот чиқиши	1 т қуритилган маҳсулот учун кетадиган хом ашё, кг

«Кўкча»	6,3	26,0	67,7	5,4	15200
«Тошлоқи»	8,4	24,6	67,0	8,4	14900
«Оқ пар»	3,4	11,6	85,0	8,6	11700
«Ичқизил»	5,3	13,3	81,4	8,8	12160
«Сарик пўчоқ»	4,0	21,0	75,0	8,9	13330
«Оқ уруғ»	5,8	13,4	80,8	8,0	12500
«Босволди»	9,2	22,9	67,9	4,5	14900
«Тўқ сарик гулоби»	4,7	14,3	81,0	8,5	12340
«Кўк гулоби»	7,7	20,0	73,3	7,7	14100
«Гулоби»	6,2	18,7	75,1	7,5	13300
«Нон гўшт»	7,3	13,6	79,1	8,4	12650
«Ширин пўчоқ»	7,7	21,5	70,8	10,7	14120
«Гурбек»	10,7	21,8	67,3	5,4	14900

Қовуннинг механик усулда текшириш чоғининг таркибий қисмлари турлича эканлиги аниқланди. Шунинг учун қовунни тилиб қуриштиш пайтида ҳар хил навлардан турли миқдорда қоқи олинади. «Кўкча», «Босволди» ва «Гурбек» навларидан 4,5–5,4 фоиз қоқи олинади. Бошқа нав меваларидан эса 7,5–10,7 фоиз маҳсулот тайёрланади. Бир тонна қовун қоқи олиш учун 11,7–15,2 тонна хом ашё сарфланади

Ўзбекистонда қурилган қовун қоқилари таркибида С ви-тамини 15,4–83,7 мг фоиз атрофида, умумий қанд миқдори 38–75,7 фоизни, қуруқ моддалар эса 76–91,4 фоизни ташкил этади (3.4.2-жадвал).

3.4.2-жадвал

Қурилган қовуннинг кимёвий таркиби (фоиз ҳисобида)

Қовун навлари	С витамини, мг	Умумий қанд миқдори	Қуруқ моддалар
«Кўкча»	22,35	75,7	81,9
«Тўқ сарик гулоби»	16,4	66,3	91,4
«Гурбек»	21,6	62,3	82,1

«Умир боқи»	15,4	54,3	82,9
«Нон гўшт»	83,7	59,8	86,0
«Кўк гулоби»	39,8	51,4	86,0
«Гулоби»	34,7	49,6	76,0
«Тошлоқи»	78,0	55,8	89,3
«Оллахомма»	72,5	38,4	76,0

Қуритилган маҳсулотнинг тайёрлиги кесилган қовун бўлақларининг ҳолатига қараб аниқланади. Қоқи эгилувчан, кафтда қисилганда, ундан шира оқмаслиги ва таркибидаги намлик 20 фоиздан ортиқ бўлмаслиги шарт. Шунингдек, хом ашёни қуритиш майдонига навларга ажратилган ҳолда келтирилиши керак. Бу ишга хўжаликнинг уруғчилик ҳосилоти бошчилик қилади.

Қовун этидан фойдаланиш ишларини консерва корхоналарида ҳам ташкил этиш мумкин. Бунинг учун корхонада махсус қуритиш майдончалари бўлиши керак. Қовун қуритадиган майдонча ҳажми ва келтириладиган хом ашё миқдorigа қараб, иш бир сменада ташкил этилади.

4. ҚОВУН ҚОҒИ ОЛИШ УСУЛЛАРИ ТЕХНОЛОГИК ЖАРАЁНЛАРИ

4.1. Қовун сифатига қўйиладиган асосий талаблар.

Полиз маҳсулотлари таркибининг кўп қисмини сув ташкил қилади. шу билан бирга инсон учун зарур бўлган витаминлар, органик кислоталар, минерал тузлар, хушбўй моддалар, қисман оқсил ва углеводлар учрайди.

Турли хил полиз маҳсулотлар кимёвий таркиби билан бир – биридан фарқ қилади. Шу билан бирга, пишиб етилиш даражасига, навига, етиштириладиган зонасига қараб уларнинг кимёвий таркиби турли хил бўлиши мумкин.

Полиз маҳсулотлар куриқ моддасининг асосий қисмини углеводлар – шакар, клетчатка ҳамда пектинли моддалар ташкил қилади. Уларнинг таъми,

мазаси, юмшоқ қаттиқлик даражаси ва бошқа бир қатор хусусиятлари таркибидаги углеводларнинг миқдорига ва ўзгаришига боғлиқ.

Қовуннинг мазаси ва айниқса ҳиди хушбўй, жуда ёқимли бўлади. Улар янги узилган ҳолида, қуришиб истеъмол қилинади. Шунингдек, қовунлардан сифатли цукатлар ва мураббоблар ҳам тайёрлаш мумкин.

Қовун навларининг шакли думалоқ, узунчоқ, япаски; ўлчами майда, ўртача, йирик; пўчоғининг тузилиши силлиқ, тўрсимон, қиррали; этининг тузилиши қарсиллама, қумоқ ва сертола бўлиши мумкин.

Қовун навлари етилиш муддатига қараб хандалаклар, ёзги, кузги ва қишқи қовун навларига бўлинади. Ўзбекистонда экиладиган хандалакларга Кўкча хандалак, Маҳаллий сариқ хандалак, Бўрикалла, Кўк каллапўш навлари, ёзги навларига Оққовун-557, Оқноввот, Аравакаш-1219, Кўкча-588, кузгиларига Сайили, Қўйбош, Умрбоқи; Қишқи навларига эса яшил Гулоби, Маҳаллий қорақанд, Қўйбош каби навлари қиради. Қовуннинг пишиб етилганлигини кўрсатадиган асосий аломатлари уларнинг пўчоғининг рангининг ўзгариши ва хушбўй ҳид пайдо бўлиши ҳисобланади.

Қовунлар сифати кўрсаткичи бўйича ГОСТ 7178-85 стандарти талабига жавоб бериши керак. Бу стандартга асосан қовунларнинг сифат экспертизасини ўтказишда уларнинг ташқи кўриниши, ҳиди ва таъми, пишиб етилганлиги, энг катта кўндаланг кесимининг диаметри, жароҳатланганлик даражаси каби кўрсаткичларига алоҳида эътибор берилади.

Стандарт талаби бўйича қовунларнинг ташқи кўриниши умумлашган кўрсаткич бўлиб, қовуннинг бутунлиги, тозалиги, соғломлиги, ортиқча намликка эга эмаслиги, шакли ва ранги, болдоқли ёки болдоқсиз эканлиги каби кўрсаткичларни ўз ичига олади.

Қовунларнинг ҳиди ва таъми ўзига хос, ёқимли, бегона ҳидларсиз ва таъмларсиз бўлиши керак.

Қовунлар учун ҳам пишиб етилганлик кўрсаткичи энг муҳим ҳисобланади. Шу сабабли бу кўрсаткич ҳам стандарт талаби бўйича

аниқланиши зарур бўлган кўрсаткичдир. Эртапишар ва ўртапишар қовун навларининг пўчоғи ва эти ҳар хил ранги, калинлиги, зичлиги айнан шу навга хос, уруғ камераси етилган ва осон ажраладиган уруғлардан иборат бўлиши керак. Кузги, қишги қовун навларининг пустлоғи ва эти эса зич, камераси эса яхши етилиб пишмаган, эти мустаҳкам ўрнашиб турган уруғлардан иборат бўлиши керак.

Қовунларнинг катта-кичиклиги ҳам уларнинг сифатига маълум даражада таъсир кўрсатади. Шу сабабли бу кўрсаткич ҳам стандарт талаби бўйича аниқланиши зарур бўлган кўрсаткичдир. Эртапишар қовун навларининг энг катта кўндаланг кесимининг диаметри 10 см дан, думалоқ ва овалсимон шаклидаги кечпишар навларида эса энг катта кесимининг диаметри 10 смдан кам бўлмаслиги керак. Стандарт талаби бўйича қовунларнинг сифатини баҳолашда маълум бир четланишларга ҳам рухсат этилади.

Мазкур стандарт талаби бўйича текширилаётган қовунлар массасида босилиш натижасида енгил жароҳат олган ва ўлчамлари бўйича 1см дан ортиқ четланишга эга бўлмаган қовунлар миқдори 5,0 % гача бўлишига рухсат этилади. Шунингдек, эзилган, ёрилган, қисилиб бўшашиб қолган қовунлар бўлишига йўл қўйилмайди.

Кечки қовун навларини сақлаб қўйилганда шираси ортиб қолишнинг сабаби улар таркибидаги крахмалнинг шакарга айланишидандир. Крахмал пишган қовун таркибида деярли учрамайди.

Қовун таркибидаги қанд моддасининг ярми сахарозага тўғри келади.

Корейша маълумотида кўра қовуннинг қишги навларида узоқ вақт давомида қант моддаси камаймайди, аммо моносакхаридлар билан дисакхаридлар ўртасидаги ўзаро нисбат ўзгариб, сахарозага ортиб кетади. Маълум вақтдан кейин эса сақланаётган қовунлар таркибидаги қантнинг умумий миқдори сезиларли даражада камаяди.

Қовунда пектин моддалар 0,1-0,4% ни ташкил қилса, тарвузда 1,2-2% гача етади. Қовунда целлюлоза ва гемицеллюлоза миқдори бошқа полиз маҳсулотларига нисбатан кам бўлади. Бу эса қовун этининг юмшоқлигини оширади ва ипсимон толалар бўлмаслигини таъминлайди.

Қуйидаги 4.1.1-жадвалда полиз маҳсулотлари таркибидаги органик моддалар миқдори келтирилган.

4.1.1-жадвал

**Полиз маҳсулотлари таркибида органик моддалар миқдори,
(хўл ҳолида %)**

№	Экинлар	Сут миқдори	Қурук модда	Оқсил	Углевод-лар	Мой	Клетчатка	Қул	Калорияси, кг/кал
1	Тарвуз	93,4	6,58	0,72	5,69	0,06	0,04	0,07	274
2	Қовун	89,6	10,4	0,82	6,21	0,88	1,82	0,63	360
3	Қовоқ	93	9,68	1,1	6,5	0,13	1,22	0,73	316

Қуйидаги 4.1.3-жадвалда полиз маҳсулотлари таркибидаги минерал моддалар миқдори келтирилган.

4.1.2-жадвалда

Полиз маҳсулотлари таркибидаги минерал моддалар миқдори

Экинлар	Натрий	Калий	Кальций	Марганец	Фосфор	Темир
Тарвуз	16	64	14	224	7	1
Қовун	32	118	16	13	12	1
Қовоқ	14	70	40	14	25	0,8

Полиз маҳсулотлари таркибида ёғлар жуда кам миқдорда (0,1-0,4%), асосан уларнинг уруғларида бўлади.

Қуйидаги 4.3.1-жадвалда полиз маҳсулотлари таркибида витаминларнинг миқдори келтирилган.

4.1.3-жадвал

Полиз маҳсулотлари таркибида витаминларнинг миқдори, %.

Экинлар	Аскорбин кислота	Каротин	Тиамин	Рибофлавин
Тарвуз	8	1,0	0,03	-
Қовун	-	-	-	-
Қовоқ	10	-	-	-

Полиз маҳсулотлари таркибида кул моддалар (минерал элементлар) ҳўл массасининг 0,2-0,8 % ни ташкил қилади.

Полиз маҳсулотлари таркибида кўп миқдорда сув ва углеводлар бўлганлиги сабабли уларда чиритувчи микроорганизмлар тез ривожланади. Бу эса маҳсулотнинг консервалашнинг қулай ва унинг сифатини узоқ вақт бузмасдан сақлаш имконини берадиган усулини танлашда муҳим аҳамиятга эга. Полиз маҳсулотларининг озиқ-овқатлик қиммати бебаҳодир. Уларда турли туман органик ва минерал моддаланинг борлигини таъкидлаш билан бирга дориворлик хусусиятини ҳам қайд этиш лозим.

Қовунлар навларига қараб, ҳар хил кўринишда ва рангда бўлади. Меваларнинг гўштли қисми ҳам навларига қараб ҳар хил ранглидир.

Қовун таркибида 18% қанд, витамин С, фолат кислотаси, гемицелюза, микроэлементлардан: калий, кальций, темир, фосфор, натрий бор.

4.2. Хом ашёдан тайёр маҳсулот чиқиши.

Тажрибадаги қовун навларидан оддий қуритиш технологиясида маҳсулот чиқиши.

Қовунни қуритишда қуритиш майдончаси атрофи очик, қуёш яхши тушадиган ва серкатнов йўллардан узоқроқ бўлган фермер хўжалигининг

дала шийпонидан фойдаланилди.

Қовун қуритиш учун майдонча, стол, пичоқ, паднис, ходача, рейка, каноп ип ва зангламайдиган симлар тайёрлаб олинди. Қовун қуритиш махсус жиҳозланган илгакларда амалга оширилди. Бунинг учун баландлиги 170 см бўлган диаметри 6х6 см рейкалардан дастгоҳлар ясалди. Бу рейкаларнинг ҳар икки томонига учбурчак асосли кенглиги бир метр тирговучлар осилди. Учбурчак шаклидаги тирговучлар 2,5 метр оралиғи ўрнатилиб, рейкалар билан мустаҳкамланди. Ҳар икки томонидан 4–5 қатор қилиб, 35–40 см ораликда сим тортилди. Тажриба учун олинган қовун миқдорини қуритиш учун мавсумда (2 марта қуритилганда) 8 та дастгоҳ, яшаш учун 1 куб. метр ёғоч сарфланди.

Қовунни офтобда, мавжуд усулда қуритишда пишиб етилган ва касалланмаган қовуннинг мевалари олинди. Этининг зичлик даражасига қараб, уни қирқиш ва қуритишнинг турли усулини тантанлаб, эти зич бўлган «Оқ уруғ», «Сариқ пўчоқ», «Оқ пар» навларини оддий усулда илмоқларда тўғридан тўғри қуритилди. «Ичқизил», “Шакарпалар 554” навларини эти қарсилдоқ бўлиб, тилиб осиш пайтида узилиб кетиши боис уларни аввал сўкчакларга ёйган ҳолда қуритиб, сўлитилди, юмшагандан сўнг рейкаларга осилди. Бутун, соғлом қовунлар ажратиб олиниб, улар ювилади ёки ҳўл латта билан артилади. Ундан кейин тенг икки бўлакка бўлиниб, уруғи олинади. Кесилган паллалар тилимларга бўлиниб, қалинлиги 3–4 см бўлади ва пўсти тозаланиб, бир жуфт қилиб қуритиш учун осиб қўйилди.

Тажрибадаги кузатилган навлардан қуритилган маҳсулот олишда мавжуд офтобда ва такомиллашган сояда қуритиш усулларида фойдаланилди ва уларни қуритиш давомийлиги ҳамда тайёр маҳсулот чиқиши аниқланди. Бунда ҳар бир навдан 50 кг дан олиниб, уруғ ва пўчоқлардан тозаланди, сўнггра, ажратилган пўчоқ ва уруғ тортилиб вазни аниқланди. Олинган хомашё миқдоридан пўчоқ ва уруғ вазнини айтириб қовун этининг вазни аниқланди, шу вазндан келиб чиққан ҳолда қовун

этининг фоиз миқдори топилди. Кейин қовун эти тилим ҳолатида сўйилиб, офтобда қуритиш учун тайёрланган мосламаларга осилди. Маҳсулот қуриши давомийлиги кузатиб борилди. Маҳсулот қуригандан сўнг тайёр бўлган қоқини тарозида тортиб, унинг вазни ва фоиз миқдорлари аниқланди. (4.2.1-жадвал)

4.2.1- жадвал

**Тажрибадаги қовун навларидан мавжуд офтобда қуритиш усулида
маҳсулот чиқиши**

№	Навлар номи	Қуритиш га олинган қовун миқдори, кг	Қуритишга қўйилган қовун эти миқдори,		Қуритиш давомий- лиги (кунларда)	Қуритилган маҳсулотлар чиқиши		
			кг	%		Этига нисбатан		Хом ашёга нисбатан
1	Шакарпалак -554	50	39,0	78,0	9	3,2	8,2	6,4
2	Оқ пар	50	42,5	85,0	8	3,6	8,5	7,2
3	Ичқизил	50	40,7	81,4	10	3,5	8,7	7,0
4	Сариқ пўчоқ	50	37,5	75,0	11	3,2	8,6	6,4
5	Оқ уруғ	50	40,4	80,8	12	3,3	8,1	6,6
жами		250	203,6	81,4	-	16,8	8,3	6,7

Жадвал маълумотларини тахлилига кўра ўрганилган қовун навларида хом ашёдан қовун этининг чиқиш миқдори хом ашёдан этининг чиқиши 75-85 % миқдорида бўлиб, офтобда қуритилганда қуритиш давомийлиги 7-12 кун бўлиб, , этидан тайёр маҳсулот 8,1-8,7 % миқдоридан олинди. Бунда Шакарпалак 554 навини этининг чиқиш миқдори 78,0 %, Оқ пар навида 85 % , Ичқизил навида 81,4 %, Сариқ пўчоқ навида 75,0 %, Оқ уруғ навида 80,8 ни тишқил этди. Қуритиш давомийлиги ҳар бир навда алоҳида кузатиб борилди. Шакарпалак 554 навини қуритиш жараёни 7 кун давом этган бўлса, Оқ пар нави 8 кун, Ичқизил нави 10 кун, Сариқ пўчоқ нави 11 кун оқ уруғ нави 12 кунда қуриди. Хом ашёдан олинган этнинг вазнига нисбатан тайёр

маҳсулотнинг чиқиши мос равишда 8,2; 8,5; 8,7; 8,6; 8,1 фоизни ташкил этди. Умумий ҳисобда 250 кг хом ашёдан 203,6 кг қовуннинг эт қисми ажратиб олинди, бундан 16,8 кг қоқи қуритилди, бу қуритилган маҳсулот қовун этига нисбатан 8,3 % ни, хом ашёга нисбатан эса 6,7 %ни ташкил қилди.

Бунда энг юқори миқдорда тайёр маҳсулот чиқиши Ичқизил навида кузатилди. Қуриган тайёр маҳсулотни ўртача намлиги 18 фоизни ташкил этди.

Шундай қилиб, қовунни офтобда қуритилганда, энг кўп тайёр маҳсулот чиқишини Ичқизил, Оқ пар, Сарик пўчоқ навларида кўришимиз мумкин эканлиги аниқланди.

Тажрибадаги қовун навларидан такомиллашган қуритиш технологиясида маҳсулот чиқиши

Такомиллашган усулда тилимлаб кесилган қовунни ишқорли қайноқ сувга ботириб олиб, сўнгра дастгоҳга олиб офтобда қуритдик. Бу усулнинг афзаллиги шундан иборатки, ишқорли қайноқ сувга ботириб олингандан кейин қувун эти юмшаб, тайёрлаш жараёнида юққан оз миқдордаги ғубори кетади. Бу эса қовуннинг қуриш муддатини қисқартиради ҳамда маҳсулот сифати яхшиланиб, қоқи чиқиш миқдори ҳам бирмунча кўпаяди. Қуритиш муддати камайганлиги учун тайёрланган дастгоҳдан фойдаланиш коэффиценти ортади. Бизнинг тажрибамизда бу усулда тажриба учун олинган барча қовун навлари қуритилди.

Қуритишдан олдин қовун юқоридаги усулда тайёрлангани каби тайёрланиб, тилимлар 2-3 килограммли элакларга солиниб 0,2 - 0,3% ли қайноқ ишқорга 13-14 секунд муддатга ботириб олинди. 100 литр сувга 200-300 грамм ишқор солиниб, сув 7-8 минут қайнагандан кейин элаклардаги қовунларни ботириб олинди ва юқоридаги тартибда дастгоҳга олиб чиқилди.

Ишқор эритмаси ҳажми 150 литр бўлган қозонга тайёрланди. Шу қайнаб турган қозонга 50 кг миқдорида олинган барча қовун навларини

ботириб олиш ишлари амалга оширилди. Қуйидаги жадвалда такомиллаштирилган усулда тажрибада олинган қовун навларидан қоқи чиқиш миқдорини кузатишимиз мумкин. (4.2.2-жадвал). Мазкур усулда ҳам тажрибага олинган барча навларнинг қуритиш жараёни юқорида келтирилган офтобда қуритишдаги каби ўрганилди.

4.2.2-жадвал

**Тажрибадаги қовун навларидан мавжуд қуритиш усулида
маҳсулот чиқиши**

№	Навлар номи	Қуритиш га олинган қовун миқдори, кг	Қуритишга қўйилган қовун эти миқдори,		Қуритиш давомий- лиги (кунларда)	Қуритилган маҳсулотлар чиқиши		
			кг	%		Этига нисбатан	Хом ашёга нисбатан	
1	Шакарпалак -554	50	39,0	78,0	7	3,7	9,5	7,4
2	Оқ пар	50	42,5	85,0	6	4,2	9,9	8,4
3	Ичқизил	50	40,7	81,4	7	4,1	10,1	8,2
4	Сариқ пўчоқ	50	37,5	75,0	8	3,7	9,8	7,4
5	Оқ уруғ	50	40,4	80,8	9	3,8	9,4	7,6
жами		250	203,6	81,4		19,5	9,6	7,8

Хом ашёдан қовун этининг чиқиши офтобда қуритиш усули билан бир хил, сабаби бу жараён иккала қуритиш турида ҳам бир вақтда ва бир хил тарзда амалга оширилди. Қуритиш жараёни эса мавжуд қуритиш турига нисбатан камроқ давом этди., яъни, 6-9 кун. Жадвал маълумотларини тахлилига кўра ўрганилган қовун навларида хом ашёдан қовун этининг чиқиш миқдори хом ашёдан этининг чиқиши 75-85 % миқдорида бўлиб, этидан тайёр маҳсулот чиқиши 9,4-10,1 % ни ташкил этди. Қуритиш давомийлиги юқоридаги каби ҳар бир навда алоҳида кузатиб борилди.

Шакарпалак 554 навини қуритиш жараёни 7 кун давом этган бўлса, Оқ пар нави 6 кун, Ичқизил нави 7 кун, Сарик пўчоқ нави 8 кун оқ уруғ нави 9 кунда қуриди. Олинган тайёр маҳсулот этнинг вазнига нисбатан мос равишда 9,5; 9,9; 10,1; 9,8; 9,4 фоизни, хом ашёга нисбатан эса 7,4; 8,4; 8,2; 7,4; 7,6 фоизни ташкил этди. Умумий ҳисобда 250 кг хом ашёдан 203,6 кг қовуннинг эт қисми ажратиб олинди, бундан 19,5 кг қоқи қуритилди, бу қуритилган маҳсулот қовун этига нисбатан 9,6 % ни, хом ашёга нисбатан эса 7,8 %ни ташкил қилди. Бу кўрсаткич 2,7 кг га ёки 1,1 % га кўп маҳсулот олишни таъминлади.

Бунда ҳам энг юқори миқдорда тайёр маҳсулот чиқиши Оқ пар навида кузатилди. Қуриган тайёр маҳсулотни ўртача намлиги 20 фоизни ташкил этди.

Шундай қилиб, қовунни такомиллашган усулда қуритилганда қуритилган тайёр маҳсулот миқдори офтобда қуритилганга нисбатан юқори бўлишлиги ва қуритиш муддатини қисқарганлиги аниқланди.

4.3. Тайёрланган маҳсулотларни дегустацион баҳоси.

Тажрибадаги қовун навларидан қуритилган маҳсулот олишда мавжуд офтобда ва такомиллашган ишқор билан ишлов бериб қуритиш усулларида фойдаланилди. Тайёрланган қуруқ маҳсулотни дегустацион баҳолаш учун маҳсулотни катталиги (1,0), ранги (1,0), тўлиқлиги (05), бурушганлиги (0,5), консистенцияси (2,0), таъми (5,0 баллдан) каби кўрсаткичлар тегишли баллар билан баҳоланди. (4.3.1- жадвал)

4.3.1- жадвал

Мавжуд офтобда қуритиш усулида қуритилган маҳсулотларни дегустацион баҳоси.

№	Навлар номи	Дегустацион баҳоси, балларда						Умумий
		Катта-	Ранги	Тўлиқ-	Буруш-	Конси-	Таъми	

		лиги		лиги	ганлиги	стен- цияси		балл
	Максимал балл	1,0	1,0	0,5	0,5	2,0	5,0	10,0
1	Шакарпалак -554	1,0	1,0	0,4	0,4	1,5	4,5	8,8
2	Оқ пар	1,0	0,9	0,4	0,4	1,4	4,5	8,6
3	Ичқизил	0,8	0,8	0,3	0,3	1,3	4,5	8,0
4	Сариқ пўчоқ	1,0	0,9	0,4	0,4	1,5	4,4	8,6
5	Оқ уруғ	0,8	0,9	0,3	0,5	1,5	4,3	8,3

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, қовун офтобда қуритилганда маҳсулотларни дегустацион баҳолаш ишларини кўрсатишича, Шакарпалак 554 навини қуритиш натижасида олинган тайёр маҳсулотнинг умумий дегустацион баҳоси 8,8 балл, , Оқ пар навида 8,6 балл, Ичқизил навида 8,0 балл, Сариқ пўчоқ нави 8,6 балл, Оқ уруғ навида 8,3 баллни ташкил этди.

Такомиллашган ишқор билан ишлов бериш қуритиш усулида (4.3.2-жадвал) эса, Шакарпалак 554 навини қуритиш натижасида олинган тайёр маҳсулотнинг умумий дегустацион баҳоси 9,7 балл, , Оқ пар навида 9,5 балл, Ичқизил навида 9,1 балл, Сариқ пўчоқ нави 9,5 балл, Оқ уруғ навида 8,2 баллни ташкил этгалигини кузатдик.

Шундай қилиб, ўрганилган қовун навларини дегустацион баҳоси умумий баллар бўйича офтобда қуритилганга нисбитан сояда қуритилганлари юқори кўрсаткичга, яъни, 1,1 баллдан 2,7 баллгача юқори бўлганлигини таъкидлаб ўтиш лозим.

4.3.2. – жадвал

Такомиллашган сояда қуриш усулида қуритилган маҳсулотларни дегустацион баҳоси.

№	Навлар номи	Дегустацион баҳоси, балларда	Уму-
---	-------------	------------------------------	------

		Катта- лиги	Ранги	Тўлиқ- лиги	Буруш- ганлиги	Конси- стен- цияси	Таъми	мий балл
	Максимал балл	1,0	1,0	0,5	0,5	2,0	5,0	10,0
1	Шакарпалак - 554	1,0	1,0	0,5	0,5	1,8	4,9	9,7
2	Оқ пар	1,0	1,0	0,5	0,3	1,9	4,8	9,5
3	Ичқизил	1,0	1,0	0,5	0,3	1,8	4,5	9,1
4	Сарик пўчоқ	1,0	1,0	0,5	0,5	1,8	4,7	9,5
5	Оқ уруғ	1,0	1,0	0,5	0,3	1,7	4,7	9,2

5. ТАДҚИҚОТНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИ.

Маълумки бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир қилинган ишнинг иқтисодий самарадорлигига алоҳида эътибор берилади.

Иқтисодий самарадорлик ишнинг қанчалик амалиётга зарурлигини белгиловчи кўрсаткичлардан биридир десак муболаға бўлмайди.

Шу маънода биз олиб борган тадқиқотларнинг иқтисодий жиҳатдан қанчалик самарали эканлигини ўрганиб чиқдик. Бунда биз тажрибада ўрганиш учун сотиб олинган маҳсулотларни нав намуналари бўйича иқтисодий жиҳатдан таҳлил қилиб чиқилди.(5.1-жадвал)

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, барча навларнинг ҳом ашёсини сотиб олиш бир ҳил нархда, лекин навлар бўйича таёр маҳсулот чиқиши ҳар ҳил бўлиб, бу самарадорликка бевосита таъсир қилди.

Хусусан, тайёр маҳсулот чиқиши ҳисобиги навларда 1 кг маҳсулотни таннархи ўзгаришлар кузатилди. Мавжуд офтобда қуриштиш технологиясида Шакарпалак-554 ва Сарик пўчоқ навларидан олинган 1 кг қоқининг таннархи 9063 сўмни, Оқ пар навида 8056 сўм, Ичқизил 8286 сўм, Оқ уруғ 8788 сўмни ташкил этган ҳолда, 1 кг қуриштирилган маҳсулотни ўртача таннархи 8651 сўмдан иборат бўлди. Бу технология асосида тайёрланган маҳсулотларни сотиш бихоси бозор талабига кўра 12000 сўм этиб белгиланди. Шунда Шакарпалак 554 ва Сарик пўчоқ навларидан олинган ялпи даромад 38400 сўм, соф даромад 9400 сўмдан иборат бўлиб, самарадорлик 32,4 % ни ташкил этди. Бу кўрсаткичлар мос равишда Оқ пар навида 43200 сўм, 14200 сўм, 49,0 % ни Ичқизил навида 42000 сўм, 13000, 44,8% ни, Оқ уруғ 39600 сўм, 10600 сўм, 36,6 % ни ташкил этди. Умумий ҳолатда барча навлар учун жами ҳаражатлар 145500 сўм бўлиб, 201600 сўм ялпи даромад, 56600 сўм соф даромад кўрилди. Ўртача иқтисодий самарадорлик 39,0 % ни ташкил этди.

Такомиллашган технология асосида қовундан қоқи олишда шакарпалак-554 навидан олинган 1 кг қоқининг таннархи 8243 сўмни, Оқ пар навида 7268 сўм, Ичқизил 7439 сўм, Оқ уруғ 8026 сўмни ташкил этган ҳолда, 1 кг қуритилган маҳсулотни ўртача таннархи сўмдан иборат бўлди.

5.1-жадвал

Қовун қоқи олишнинг иқтисодий самарадорлиги

№	Иқтисодий кўрсаткичлар	Хом ашё миқдори	Тайёр маҳсулот миқдори	Жами харажатлар	1 кг маҳсулот таннархи	1 кг маҳсулотни сотиш баҳоси	Ялпи даромад	Соф даромад	Рентабеллик
	Ўлчов бирлиги	кг	кг	сўм	сўм	сўм	сўм	сўм	%
Мавжуд офтобда қуритиш технологияси									
1	Шакарпалак -554	50	3,2	29000	9063	12000	38400	9400	32,4
2	Оқ пар	50	3,6	29000	8056	12000	43200	14200	49,0
3	Ичқизил	50	3,5	29000	8286	12000	42000	13000	44,8
4	Сарик пўчоқ	50	3,2	29000	9063	12000	38400	9400	32,4
5	Оқ уруғ	50	3,3	29000	8788	12000	39600	10600	36,6
	жами	250	16,8	145000	8651	12000	201600	56600	39,0
Такомиллашган офтобда қуритиш технологияси									
1	Шакарпалак -554	50	3,7	30500	8243	15000	55500	25000	82,0
2	Оқ пар	50	4,2	30500	7268	14000	58800	28300	92,8
3	Ичқизил	50	4,1	30500	7439	14000	54400	23900	78,3
4	Сарик пўчоқ	50	3,7	30500	8243	14000	51800	21300	69,8
5	Оқ уруғ	50	3,8	30500	8026	14000	53200	22700	74,4
	жами	250	19,5	152500	1844	14200	273700	121200	79,5

Такомиллашган технология асосида қовундан қоқи олишда шакарпалак-554 навидан олинган 1 кг қоқининг таннархи 8243 сўмни, Оқ пар навида 7268 сўм, Ичқизил 7439 сўм, Оқ уруғ 8026 сўмни ташкил этган ҳолда, 1 кг қуритилган маҳсулотни ўртача таннархи сўмдан иборат бўлди. Бу технология асосида тайёрланган маҳсулотларни сотиш баҳоси бозор талабига кўра Шакарпалак 554 навида 1500сўм, қолган навларда 14000 сўм этиб белгиланди. Шунда Шакарпалак 554 ва навидан олинган ялпи даромад 55500 сўм, соф даромад 25000 сўмдан иборат бўлиб, самарадорлик 82,2 % ни ташкил этди. Бу кўрсаткичлар мос равишда Оқ пар навида 58800 сўм, 28300 сўм, 92,8 % ни Ичқизил навида 54400 сўм, 23900 сўм, 78,3% ни, Сарик пўчок 51800 сўм, 21300 сўм, 69,8 % Оқ уруғ 53200 сўм, 22700 сўм, 74,4 % ни ташкил этди. Умумий ҳолатда барча навлар учун жами ҳаражатлар 152500 сўм бўлиб, ялпи даромад 273700 сўм, 121200 сўм соф даромад кўрилди. Ўртача иқтисодий самарадорлик 79,5 % ни ташкил этди.

Иккала технология ўзаро таққосланда, мавжуд технология нисбатан такомиллашган технологияда соф даромад 64600 сўмга, самарадорлик 40,5 % га ортиқ бўлганлигини кузатишимиз мумкин.

Шундай қилиб ўрганилган навларни иқтисодий самарадорлиги фақатгина қуритилган маҳсулот чиқишига боғлиқ бўлибгина қолмай балки қуритиш усулига, маҳсулотни сифат даражасига кўра, сотиш нархига ва қуритиш учун қилинадиган турли хил ҳаражатларга боғлиқ эканлиги аниқланди.

Қовундан қоқи олишда наваларни тўғри танлаш ва мавжуд технологияларни такомиллаштириш юқори иқтисодий самарадорликни таъминлайди.

6. МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сақлаш ва қайта ишлашга қўйиладиган талаблар

Қишлоқ-хўжалик маҳсулотларини сақлаш жараёнларининг хавфсизлигига қуйидаги талабларни амалга ошириш орқали эришилади:

ишлаб чиқариш ускуналарига хизмат кўрсатиш тартибидаги технологик жараёнларни (иш турларини) амалга ошириш, шунингдек иш усуллари ва меъёрларига амал қилиш;

белгиланган талабларга жавоб берувчи ва ишловчилар учун ҳар жиҳатдан қулай бўлган ишлаб чиқариш воситаларини қўллаш;

қишлоқ-хўжалик маҳсулотларини сақлаш майдонларини тайёрлаш;

ишловчиларга зарарли таъсир кўрсатмайдиган хом ашё ва ярим тайёр маҳсулотларни, бутловчи материалларни қўллаш (ушбу талабни бажаришнинг имкони бўлмаган тақдирда ишлаб чиқариш жараёнининг хавфсизлигини ва ходимларнинг ҳимоясини таъминловчи чоралар кўрилиши шарт);

шикастланиш ва касб касалликлари манбаи бўлмаган ишлаб чиқариш ускуналарини қўллаш;

ишончли ва ўрнатилган тартибда мунтазам равишда текшириб турилувчи назорат-ўлчов асбобларини, аварияга қарши қурилмаларни, маълумотни қабул қилиш, қайта ишлаш ва узатиш воситаларини қўллаш;

ишлаб чиқариш жараёнларини ва аварияга қарши тизимларни бошқариш учун электрон ҳисоблаш техникаси ва микропроцессорларни қўллаш;

хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омилларининг тарқалишини чекловчи воситаларни қўллаш;

ускуналарни тўғри жойлаштириш ва иш жойларини тўғри ташкил этиш;

жисмоний ва асабий зўриқишларни чеклаш мақсадида инсон ва машина (ускуна) ўртасидаги вазифаларни тақсимлаш;

хом ашё ва ярим тайёр маҳсулотларни, тайёр маҳсулотларни ва ишлаб чиқариш чиқиндиларини сақлаш ва транспорт воситаларида ташишнинг хавфсиз усуллари қўллаш;

ходимларни малакасига қараб танлаб олиш, ўқитиш ва уларнинг меҳнат хавфсизлиги бўйича билим ва малакаларини текшириш;

хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омилларининг хусусиятига мос келувчи ҳимоялаш воситаларини қўллаш;

ёнғин ва портлашнинг олдини олиш бўйича ва ёнғинга қарши техник ва ташкилий тадбирларни амалга ошириш;

техникалар ёрдамида ва захарли химикатлар билан ишлар бажарилаётган пайтда хавфли зоналарни белгилаш;

норматив техник, лойиҳавий — конструкторлик ҳужжатларига хавфсизлик талабларини киритиш, ушбу талабларга, шунингдек тегишли хавфсизлик қоидалари ва меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича бошқа ҳужжатларнинг талабларига риоя қилиш;

хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омилларининг ўлчанувчи параметрларини назорат қилиш воситаларини қўллаш;

ҳар бир иш жойида белгиланган тартиб, ишлаб чиқариш, агротехник тадбирларни тўғри бажариш, технологик ва меҳнат интизомига риоя қилиш билан таъминланиши лозим.

ГОСТ 12.1.004 ва ГОСТ 12.1.010 талабларига мувофиқ ишлаб чиқариш жараёнлари ёнғин ва портлаш хавфсизлигига жавоб бериши шарт.

Қишлоқ-хўжалик маҳсулотларини сақлаш жараёнларини ташкил этишда атроф муҳитнинг (ҳаво, тупроқ, сув ҳавзалари) ифлосланишига ва зарарли омилларининг тегишли стандарт ва норматив ҳужжатларда белгилаб қўйилган чегаравий йўл қўйиладиган меъёрлардан ортиқ даражада тарқалишига олиб келмаслиги шарт.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш.

Қайта ишлашнинг физикавий усули. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини физикавий усулда қайта ишлаш турларига термостерилизация, қуритиш, музлатиш, нур ёрдамида стерилизация қилиш, шарбат ишлаб чиқариш киради.

Қайта ишлаш маҳсулотининг сифатли бўлиши учун энг аввало хом ашёнинг етилганлиги унинг ранги ҳамда ўлчамлари бир хил бўлиши керак бўлади. Бунинг учун хом ашё қайта ишлашдан аввал калибровка ва сортировка қилинади. Хом ашёни сортларга ажратишда махсус столлардан ёки лентали транспортерлардан фойдаланилади. Транспортер ҳаракати 0,1-0,5 м/сек дан ошмаслиги керак. Хом ашё қайта ишлашадан олдин тоза ичимлик сувга ювилади.

Қайта ишлашга тайёрланган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қисқа муддатга қайнаб турган сув ёки буғ билан ишланиши бланшировкалаш дейилади. Бланширлашда муддати ва ҳарорати, турли хил мева ва сабзавотлар учун ҳар хил бўлади, пўсти юпқа (олхўри, гилос) 80°C да, пўсти калинлари (олма, нок) 80-95°C да бланширланади.

Бланширлаш кўпгина хўжаликларда оддий қозонларда бажарилади. Консерва заводларида махсус бланширловчи қурилмалар ёрдамида бажарилади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга тайёрлашда улар қисмларга қирқиш ёрдамида ажратиб олинади. Қайта ишлашда туз, шакар қўшилади ва улар ГОСТ талабига жавоб берадиган даражада солиниши керак бўлади.

